ҲАБИБ МУҲАММЕДОВИЧ АБДУЛЛАЕВ ВА ЎЗБЕКИСТОН ФАНИ РАВНАҚИ

Ж. Ҳасанов

В статье на основе новых архивных материалов впервые прослеживается вклад Хабиб Мухаммедовича Абдуллаева — президента АН УзССР и крупного государственного деятеля в развитие науки и научного потенциала Узбекистана в 50-60 годах.

This article is about the first discoverer of a principal new materials of archives Xabib Muxammedovich Abdullaev – the president of Academician USSR and the famous state scientist was shared to science of Uzbekistan in 50-60 years.

Дунё фани ва маданиятига катта ҳисса қўшган Мусо ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Имом Мотурудий, Имом ал-Бухорий, Имом Термизий, Бурҳонуддин Марғилоний, Маҳмуд Замахшарий, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобур каби юзлаб улуғ алломалар ва жаҳоннинг буюк сиймолари ўзбек халқининг аждодлари экан, ирсият қонунларига кўра бу халқ орасидан яна ўшандай алломаларнинг чиқиши қонуниийдир. Чунки ўтмишдаги алломаларимизнинг қонлари ўзбек халқининг томирида оқаётир. XX асрда ўзбек халқи орасидан чиққан Ҳабиб Муҳаммедович Абдуллаев ўшандай алломалардан эди. У илм-фандаги улкан хизматлари, катта жасорати ва буюк ташкилотчилиги, чексиз миллатпарварлиги билан ўзини ва ўзбек халқини машхури жаҳон қилган, миллатимиз тарихидан фахрли ўрин олган улуғ сиймодир. Айни чоғда, у шижоатли давлат арбоби, юрт истиқлолига катта ҳисса қўшган, эҳтиросли истиқлолчи ҳам эди.

Оддий ўзбек деҳқони фарзанди Ҳабиб Абдуллаев фан оламида жуда эрта танилган. У 1943 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясига мухбир аъзо[1;4], 1947 йилда ҳақиқий аъзо[1;5], 1958 йилда собиқ СССР Фанлар академиясига мухбир аъзо[1;1] бўлган эди. 1947-1952 йилларда эса Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти [1;14], 1956 йилдан 1962 йил — умрининг охиригача Ўзбекистон Фанлар академияси президенти бўлиб[2;39], Ватаним, миллатим, эл-юртим, деб куйиб-ёниб меҳнат қилди. Ўзбекистон фани ривожига, миллий кадрлар етказишга бош-қош бўлган Ҳабиб Абдуллаев фаннинг қатор соҳаларида ўз мактабини ярата олди, ўзбек фани истиқболи ва йўналишларини белгилаб берди, Ўзбекистоннинг ҳозирги босқичидаги фан тараққиёти ҳам бевосита бу толмас фан дарғаси номи билан боғлиқдир.

Ҳабиб Абдуллаев фаолиятининг дастлабки йилларидаёқ Ўзбекистонда ва собиқ иттифоқдаги республикалар академиялари фаолияти борасида ўз фикр-мулоҳазаларини юқори бошқарув органларига билдириб ўтган эди. Хусусан, олимнинг КПСС МҚ котибаси Е.А.Фурцевага йўллаган ҳисоботида Иттифоқдаги Республикалар Фанлар академиялари фаолиятини таҳлил қилган ҳолда уларнинг фаолиятида асосан қуйидаги иккита масала юзага келишини кўрсатиб ўтган эди:

1. Республикалар Фанлар академиялари уларнинг таркибий тузилиши ва илмий йўналиши нуқтаи назаридан қандай бўлиши керак.

2.Уларнинг турдош институтлар билан муносабатлари ва алоқалари қндай бўлади [3;3].

Ҳабиб Абдуллаев биринчи саволга Республикалар Фанлар академиялари тузилишига кўра СССР Фанлар академияси билан бир хиллиги сабабли таркибий тизими ва фаолияти ҳам ундан фарқ қилмаслигини таъкидлаб ўтган. Иккинчи масалага эса Фанлар академиялари соф илмий тадқиқот муассасаси сифатида илм-фаннинг назарий муаммолари устида фаолият юритиши кераклиги тушунтириб берилади. Шунингдек, олим Фанлар академиясининг олий ўқув юртлари билан бўладиган муносабатлари, илмий кадрлар тайёрлашда Фанлар академияси ва олий ўқув юртларнинг янги бир алоқа ва ҳамкорлиги шаклини топиши ва янгича ўқитиш методларини яратиш орқали таълим сифатини давр талаблар асосида тамомила янги босқичга кўтариш зарурлигини илгари сурган[3;11].

Унинг раҳбарилиги даврида Фанлар академиясида аниқ ва табиий фанлар билан бирга ижтимоий-гумантар фан соҳаларида ҳам кенг кўламда тадқиқот ишлари олиб борилди. Хусусан, олимнинг ўзи Ўзбекистонда фан тарихи ва ривожига бағишланган маърузаларида Ўрта Осиё тарихи, минтақада яшаб ижод қилган алломалар – Беруний, Ибн Сино, Форобий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Мирзо Бобур каби буюк истеъдод соҳиблари маънавий меросига юқори баҳо беради. Улар ёзиб қолдирган фан турли соҳаларига тегишли асарларни дунё фанига қўшган улкан ҳисса деб баҳо беради. Шу билан бирга, Ўзбекистон ҳудудидаги археологик ёдгорликлар ва тарихий обидаларга муносабат билдирар экан бу соҳадаги илмий изланишларни янада жадаллаштириш ғоясини илгари сурди[4;2].

Айни вақтда, Фанлар академияси тизимида иш олиб бораётган ижтимоий-гуманитар соҳа илмий муассасалари орасида археология ва қадимий қўлёзмалар борасида олиб борилаётган илмий изланишлар ютуқлари алоҳида эътиборга моликлиги таъкидлаб ўтилган эди. Зеро айни шу йилларда археология йўналишида, академик Яҳё Ғуломов, М.Е.Массон, шарқшунослик соҳасида Семенов, П.Булгаков, А.К.Арендс, У.Каримов каби олимлар самарли тадқиқот ишларини олиб бордилар.

Ҳабиб Абдуллаев Фанлар академияси президенти этиб сайлангач, академиянинг илмий фаолиятидагина эмас балки унинг иш юритиш соҳаларида, молиявий аҳволини яхшилашда ҳам бир қатор тадбирларни амалга оширди.

Хусусан, Фанлар академиясининг молиявий таъминоти ва хўжалик юритиш ишларида олдинги силжишларни кузатиш мумкин. Жумладан, 1956 йилда Фанлар академияси илмий муассасалари асбоб-ускуналари учун 3 млн. қурилиш ишларига 1,5 млн. рубл ишлатилган бўлса, 1959 йилда асбоб-ускуналар билан боғлиқ харажатлар 20 млн. рублга, қурилиш ишларига кетган харажатлар тахминан 60 млн. рублга етди[4;2]. Албатта, молиявий таъминотга яраша Фанлар академиясида хизмат қилувчи илмий ходимлар маиший турмуш тарзини яхшилашга ҳам жиддий эътибор қаратилди. Академия тизимига малакали илмий ходимларни жалб қилиш, уй-жой билан таъминлаш масалалари академия раҳбарияти томонидан ҳал қилиб борилди. Бундай кўрсаткичларни Фанлар академиясида фаолият олиб борган ходимлар мисолида олиб кўрсак, 1956 йилда академияда жами 1800 киши хизмат қилган бўлса, 1959 йилда уларнинг сони 4500 кишига етган. Фан докторлари сони эса 60 тадан 87 тага етган[5;1].

Албатта бу рақамлар кўрсатилган 4 йил мобайнида Фанлар академияси фаолиятида олиб борилган кенг кўламдаги ишлар жараёнини қай даражада бўлганлигини тасаввур қилиш имконини беради.

Қуйида Фанлар академиясининг 1956-1960 йиллардаги фаолиятининг бевосита кадрлар ва тадқиқот соҳалари билан боғлиқ бўлган айрим жиҳатларига тўхталиб ўтмоқчимиз[5;1, 6;29].

1960 йил 9 апрелдаги маълумотномада кейинги 3 йил давомида академия фаолият соҳалари кенгайганлиги ва унинг таркибий тузилмаларида 5500 киши меҳнат қилиши қайд этилган. Шундан 1700 нафарини илмий ходимлар (91 та фан доктори, 485 та фан номзоди) ташкил этган[2;1].

Фанлар академиясининг бюджети 150 млн. рублга ортди. Бу давр оралиғида академия тизимида 12 та янги илмий текшириш муассасалари ва бўлимлари очилди ва улар тегишли маблағ билан таъминланди.

Шунингдек, бу даврда академияда илмий нашрлар ҳам кенг йўлга қўйилди. Агар 1955-1956 йилларда Фанлар академияси 2 та журнал нашр қилган бўлса, 1957-1960 йилларда академияда нашр қилинадиган турли йўналишлардаги 10 та журнал нашр қилинди[5;1].

№	Асосий кўрсаткичлар	1955	1956	1957	1958	1959	1960й. март
1	ФА да ишловчи ходимларнинг умумий таркиби	1861	1931	2853	4087	4439	5461
	Шу жумладан ўзбеклар ва бошқа маҳаллий миллат вакиллари	509	563	866	1216	1751	2048
2	Илмий ходимлар сони	645	717	1064	1318	1502	1787
	– фан докторлари	60	63	73	76	86	91
	- фан номзодлари	319	331	403	421	460	485
	Шу жумладан ўзбеклар ва бошқа маҳаллий миллат вакиллари	29	31	31	33	40	43
	фан докторлари	118	143	172	189	203	228
	фан номзодлари						
3	Илмий кадрлар тайёрлаш						
	шу жумладан аспирантлар	288	196	288	406	457	575
4	Тадқиқотлар тематикаси						
	- муаммолар сони		87	67	92	98	102
	- мавзулар сони		232	197	292	345	380
5	ФА Илмий муассасалари						
	институтлар сони	27	27	33	36	38	38
	сектор, бўлим ва лаб.	124	124	145	165	186	186

Ҳабиб Абдуллаев қисқа умр кўрди, бор-йўғи ярим аср хаёт кечирди. Аммо шу қисқа хаёти даврида Ватан, миллат, халқ хаётига, фан тараққиётига улкан хисса қўшди, бугунги истиқлолимизга катта хизмат қилди, унинг бой ва бетакрор мероси, кўплаб содиқ шогирдлари мустақил Ўзбекистонни ички ва ташқи ривожига муносиб хисса қўшмоқда. Кўплаб миллатимиз фидойилари каби у ҳам тоталитар тузум, қизил империя, большевистик мафкура, марказнинг яккахокимлиги, фитначилиги қурбони бўлган эди. Ўзбекистондаги носоғлом ижтимоий-сиёсий, мафкуравий муҳит, раҳбариятдаги шовинистик унсурларнинг миллий арбобларга нисбатан камситувчи, тахқирловчи, ғаламислик кирдикорларидан Ҳабиб Абдуллаев ҳам кучли азоб чеккан эди.

Адабиётлар:

1. ЎзР МДА. 2575-жамғарма, 1-рўйхат, 160-иш.
2. ЎзР ПДА. 58-жамғарма, 226-рўйхат, 18-иш.
3. ЎзР МДА. 2575-жамғарма, 1-рўйхат, 167-иш.
4. ЎзР МДА. 2575-жамғарма, 1-рўйхат, 130-иш.
5. ЎзР МДА. 2575-жамғарма, 1-рўйхат, 163-иш
6. ЎзР ФАМА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 1130-иш.

Андижон давлат университети,
2009 йил 24 июнда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Р.Шамсутдинов)